ТАСДИҚЛАЙМАН
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари в.б.

_____Д.Султанов

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг
1 баённомаси 3-иловаси

УЗЛУКСИЗ ТИББИЙ ВА ФАРМАЦЕВТИК ТАЪЛИМ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ, РЕЖАЛАРИ ВА БОШҚА МЕТОДИК ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим тизимида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари, режалари ва бошқа методик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ҳақидаги мазкур Тартиб (кейинчалик – Тартиб) узлуксиз касбий таълим тизимига жалб этилган таълим муассасаларида амалга ошириладиган барча методик хужжатларнинг ўқув-услубий таъминотига ягона талабларни белгилайди.

1.2. Мазкур Тартиб қуйидаги меъёрий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм фани тизимини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли, 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-197-сонли қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №160-сонли буйруғи.

1.3. Мазкур Тартиб узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим тизимида фаолият юритаётган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

II. Ўқув дастурлари, режалари ва бошқа методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, фойдаланиш, тасдиқлашга қўйиладиган талаблар

2.1. Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №160-сонли буйруғининг 2-иловасига кўра амалга оширилади.

Ўқув дастурларини бир ёки бир неча таълим муассасалари ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқишлари мумкин, бунда ушбу дастурдан фойдаланиш барча муаллифлар учун тенгдир.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ўқув дастурларини янги ўқув йили учун июнь ҳамда декабрь ойларида, олий таълим институтлари малака ошириш факультетлари, илмий-амалий марказлар, кўп тармоқли тиббиёт ҳамда хусусий таълим муассасалари ноябрь ойида тасдиқлатиш учун ҳар бир ўқув дастурнинг паспорти (тузилмаси 1-иловада), иккита рецензияси билан биргаликда Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим портали **сайтига** киритади.

Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим Кенгаши бир ой муддатда ўқув дастурларни экспертизадан ўтказиб, тасдиқланган ёхуд тасдиқланмаганлиги (сабаби кўрсатилган холда) хақида сайтда маълумот эълон қилади.

Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим Кенгаши экспертиза жараёнида зарур бўлган маълумотларни талаб қилиш хуқуқига эга.

Ҳар бир таълим муассасалари таълим фаолиятларини юритишларида ўзлари яратган ўқув дастурдан фойдаланишлари шарт.

Бир таълим муассасаси бошқа бир таълим муассасасининг ўқув дастуридан фойдаланмоқчи бўлса, муаллифлик хуқуқи талабларига асосан ўша таълим муассасасининг (раҳбар ва муаллифларнинг) ёзма "розилигини" олишлари талаб этилади.

2.2. Календар ўқув режаси- ўқув йили даврида таълим муассасасининг қандай мавзуларда курслар ташкил этилиши режаси бўлиб, ўқув курслари номи, ҳажми, ўқиш шакли ва ўқиши мумкин бўлган тингловчилар контингентини белгиловчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади (тузилмаси 2-иловада).

Ҳар бир таълим муассасалари таълим фаолиятларини юритишлари учун фақат ўзларининг календар ўқув режасидан фойдаланишлари шарт.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, олий таълим институтлари малака ошириш факультетларининг янги ўқув дастурлари ва календар ўқув режаси янги ўқув йили учун май-июнь ойларида, илмий-амалий марказлар, кўп тармоқли тиббиёт ҳамда хусусий таълим муассасалари ноябрь-декабрь ойларида таълим портали **сайтига** киритади.

Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим Кенгаши 10 иш куни муддатида календар ўқув режаларни экспертизадан ("ўқув дастурнинг техник экспертизаси хулосаси" 3-илова) ўтказиб, тасдиқланган ёхуд тасдиқланмаганлиги (сабаби кўрсатилган холда) хақида сайтда маълумот эълон қилади.

Хукумат қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига асосан календар ўқув режага қўшимча курслар киритилиши мумкин.

2.3. Ўқув-методик ҳужжатлар уч қисимдан иборат- меъёрий-хуқуқий: Ўзбекистон Республикаси "Таълим хақидаги қонуни", Давлат талаби, Хукумат ва вазирликнинг тегишли хужжатлари; ўқув ахборот: ўқитувчи ва тингловчилар фойдаланиши мумкин бўлган турли маънбалар; ўқув –услубий: ўқув дастур, ўқув режа, дарслик, ўқув- услубий материаллар, ўқитувчининг амалий топшириқлари, тематик материаллари, видео маърузалар, электрон услубий таъминотли ўйинлар, маълумотлар ва тестлар-назорат саволлари тўпламидан иборат.

Таълим муассасалари сайтларида ўзлари ишлаб чиққан ўқув –услубий материалларини тингловчилар учун очиқ бўлишини таъминлашлари шарт.

Бир таълим муассасаси бошқа бир таълим муассасасининг ўқув –услубий материалларидан фойдаланмоқчи бўлса, муаллифлик хуқуқи талабларига асосан ўша таълим муассасасининг **сайти хаволаси** (агар очиқ қисмида бўлса) орқали олиши талаб этилади.

Ўқув-методик ҳужжатлар муассаса Илмий кенгашида тасдиқланади.

Илмий кенгаш йўлга қўйилмаган хусусий таълим муассасалари ўз ўқув-методик ҳужжатларини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Марказий ташкилий-услубий кенгашида тасдиқлатишлари талаб этилади.

Хусусий таълим муассасалари илмий даражага эга ходимлари сони кам бўлганда, бир нечта муассаса олимларидан таркиб топган бирлашган Илмий кенгаш ташкил этишлари мумкин.

III. Якуний қоидалари

Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда ушбу Тартибга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1-илова

ЎҚУВ ДАСТУРНИНГ ПАСПОРТИ ТУЗИЛМАСИ

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Таълим муассасаси номи			
Кафедра/ бўлим			
Ўқув дастур номи			
Ўқиш тури			
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	ФИШ, илмий даражаси, илмий унвони		
Циклнинг умумий соати	___ кредит		
Дарс ўтувчи педагоглар			
Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**
Ўқув дастур мақсади			
Циклга таклиф қилинган мутахасисслар - контингент			
Дастур вазифалари			
Модуллар	1. ... 2. ...		
Ўқиш базалари			
База номи ФОТО	База номи ФОТО		
Симуляцион асбоб/ускуналар			
фото	фото	фото	

Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълимни мувофиқлаштирувчи Кенгашда тасдиқлангандан сўнг, қуйидаги кўринишда Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим Портали сайтига қўйилади.

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Ўқув дастур ССВ хузуридаги Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълимни мавофиқлаштирувчи Кенгашда 20__йил ____даги ____-сонли баённомаси асосида тасдиқланган.

Қайд рақами: _____ Амал қилиш муддати 20_____ йилгача

Таълим муассасаси номи			
Кафедра/ бўлим			
Ўқув дастур номи			
Ўқиш тури			
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	ФИШ, илмий даражаси, илмий унвони		
Циклнинг умумий соати	___ кредит		
Дарс ўтувчи педагоглар			
Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**	**Фото ФИШ Мутахассислиги, Илмий унвони, лавозими**
Ўқув дастур мақсади			
Циклга таклиф қилинган мутахасисслар - контингент			
Дастур вазифалари			
Модуллар	1. ... 2. ...		
Ўқиш базалари			
База номи ФОТО	База номи ФОТО		
Симуляцион асбоб/ускуналар			
фото	фото	фото	

2-илова

КАЛЕНДАР ЎҚУВ РЕЖАСИ ТУЗИЛМАСИ

1-сарлавҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим Кенгаши раиси

_____
(ФИШ)

_____
Имзо

_____сана

Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим муассасаси номи

ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИШ БЎЙИЧА

20___-20___ **ўқув йили учун**

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

ТОШКЕНТ-20..

2-сарлавҳа

“КИРИТИЛДИ”
Узлуксиз тиббий-фармацевтик таълим муассасаси раҳбари

_____
(ФИШ)

_____
Имзо

_____
(Сана)

АХБОРОТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

Таълим муассасаси раҳбари	ФИШ
	Тел.:
Ўқув ишлари учун маъсул	ФИШ
	Тел.:

3-сарлавҳа

М У Н Д А Р И Ж А	

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ	

4-сарлавҳа

Факультет/Бўлим номи Кафедра номи Маъсул шахс ФИШ, телефон: Манзил:						
№	Малака ошириш ёки ихтисослаштириш курси номи	Қайси мутахассислар учун мўлжалланган	ИХТ ММО (цикл кредити)	Кундузги Сайёр Moodle	Ўтказиш вақти (сана, ой, йил)	Изоҳ

3- илова

ЎҚУВ ДАСТУРНИНГ ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ

Дастур тақдим этган таълим муассасининг номи		
Ўқув дастур номи, тури, кредити		
Дастур тузилишининг ССВнинг 160 буйругига мослиги		
Дастур номланишига	тузувчиларнинг мутахассислигини мослиги	
	Рецензентларнинг мутахасислигини мослиги	
	Таълим олувчилар контингентининг мослиги	
Ўқув режада соатлар тақсимоти	Назарий	Тўғри/нотўғри
	Амалий	Тўғри/нотўғри
	Назорат	Тўғри/нотўғри
Ташкилий-педагогик талаблар мавжудлиги		
Адабиётларнинг янгилиги		
Тавсия		Ўқув дастур тасдиқлашга юборилсин
		Ўқув дастур камчиликларини тўғирлаш учун қайтарилсин
		Ўқув дастур талабга мос эмас
Экспертлар (ФИШ, имзо)		

КЕЛИШИЛДИ
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан – таълим ва инновациялар
бошқармаси бошлиғи
_____Ў. Исмаилов

КЕЛИШИЛДИ
Тиббиёт ходимларини касбий
малакасини ривожлантириш
маркази директори
_____ Х.Акилов